Ушбу сонда:

2 МАБЛАҒ МЕҲНАТ ОРҚАЛИ ТОПИЛАДИ

3 ҲАР ИНСОН ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

4 СПОРТ – СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 12 сентябр, жума № 143 (1568)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

Нукус шаҳрини «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига қўшаётган муносиб ҳиссаси, мураккаб экологик шароитга қарамасдан, ҳаётнинг кўплаб соҳаларида юқори натижаларга эришаётгани, юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар ўртасида дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва бойитиш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат рухида тарбиялаш борасида шаҳар аҳли амалга ошираётган катта ишларни инобатга олиб ҳамда 70 йиллиги муносабати билан Нукус шаҳри «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 11 сентябрь

Қўшма корхона – иқтисодиёт қудрати

Бозор инфратузилмасига хориж инвестициясини кўпроқ жалб этиш иқтисодий ўсишни таъминлашнинг энг асосий омилларидан бири. Шу боис Қашқадарё вилоятида чет эл сармояларини жалб қилиш, шу билан экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга жиддий эътибор берилаяпти.

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА

Бугунги кунда воҳада чет эл сармояси киритилган 44 та қўшма корхона бор. Россия, АҚШ, Туркия, Англия, Италия, Польша, Германия, Греция, Швейцария, Покистон ва бошқа давлатларнинг фирмалари билан ҳамкорликда тузилган бу жамоаларда 4 минг нафардан ортиқ киши иш билан машғул. Бир йилда қўшма корхоналарда 14 миллиард 312 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 152,2 миллион, экспорт ҳажми 118,4 миллион АҚШ долларидан иборат бўлди. Хорижга томат пастаси, мевалар шарбати, хом ипак, момиқ, трикотаж ва бошқа турдаги маҳсулотлар чиқарилаяпти.

Воҳада ташқи савдо айланмаси ҳажмининг барқарор кўпайиб бориши кузатилаяпти. Жорий йилнинг ўтган давридагига нисбатан экспорт ҳажми 37,2 миллион АҚШ долларига кўпайди.

Қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабздаги «Оқсарой тўқимачи» Ўзбекистон-Япония-Туркия қўшма корхонасининг довруғи қисқа муддатда дунёга таралди. Жамоада 6 миллион 244,9 минг АҚШ доллари қийматидаги ип калава ва трикотаж маҳсулотлари хорижга жўнатилди. Бундан ташқари «Кумуш» Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси томонидан 540,2 минг долларли хом ипак, Қамаши туманидаги «Момиқ» Ўзбекистон-Англия қўшма корхонаси томонидан 331,3 минг АҚШ доллари қийматидаги момиқ маҳсулотлари четга сотилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика минтақаларида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш дастурига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йилнинг биринчи ярмида 6 та қўшма корхона давлат рўйхатидан ўтказилди. Қарши шаҳридаги «Интертекст», «ЎзКазПласт», «Нефтгазиндустрия», «Ўзверос», Муборак туманидаги «Мубар-АУЗ», Гузордаги «Олтин тола» қўшма корхоналари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари кичик ва ўрта бизнес корхоналарини молиялаштириш учун 6 та чет эл инвестиция лойиҳаси тақдим этилди. Гузор туманидаги «Эл ҳақи» акциядорлик жамиятининг Германиянинг «Buhler» компанияси технологияси асосида ун ишлаб чиқариш бўйича 2,1 миллион, Яккабоғ туманидаги «Мўйна» кичик корхонасининг чинни уни ишлаб чиқаришга ихтисослашган 350 минг, Қарши шаҳридаги «Кашфармтекст» Ўзбек-Буюк Британия қўшма корхонасининг тиббий момиқ ва дока тайёрлайдиган 1,4 миллион, «Шаҳбоз-Шоҳжаҳон» ёпиқ акциядорлик жамиятининг электрод ишлаб чиқариш бўйича 450 минг, Нишон туманидаги «Олтин бошоқ» фирмасининг кунжут креми тайёрлашга мослашган 97 минг АҚШ доллари, Яккабоғ туманидаги «Яккабоғтекст» Ўзбек-Германия қўшма корхонасининг ип калава ишлаб чиқариш фабрикаси қурилиши бўйича 5703 минг евро қийматидаги инвестиция лойиҳалари молиялаштириш учун тегишли банкларга тақдим этилди.

БМТ Ривожланиш дастурининг «Қашқадарё вилоятида даромадлар манбаи ва иш ўринларини яратиш бўйича микрокредитлаш тизимларини ривожлантириш лойиҳаси» асосида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, Европа иттифоқи «Европэйд» дастури бўйича бирмунча ишлар қилинди. Июн ойида Ўзбекистон республикаси ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва «Ўзэкспомарказ» билан ҳамкорликда «Ташқи иқтисодий, маркетинг, реклама фаолиятлари ва сертификациялаш» бўйича семинар, замонавий хориж ихчам асбоб-ускуналари ва технологияларининг «Минитех-2003» кўргазмаси бўлиб ўтди.

Инвесторлар учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш, чет эл сармоядорларини ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмини барпо этиш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Бироқ, айрим қўшма корхоналар бозор талабларига мувофиқ ишлаяпти, деб бўлмайди. Фаолият кўрсатаётган корхоналардан 29 таси бирор дона товарни чет элликларга сота олмаган. Вилоятнинг Нишон, Ғузор, Муборак, Миришкор туманларида хорижий инвестиция иштирокида қўшма корхоналар тузилмаган. Биринчи ярим йилликда хорижий сармоядорларга сотилиши белгиланган 144 миллион сўмлик акция ва 130 миллион сўмлик кўчмас мулк иншоотлар сотилгани йўқ.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

Соибназар Омонқуловни ховосликлар «экскаваторчи ака» деб, эъзозлашади. Негаки, у шу касбни тутиб кам бўлмади. Аксинча, ёру дўстлари орасида меҳнати билан ҳурмат топди.

Соибназар ака мана ўттиз йилдирки, ариқларни тозалашдан чарчамайди. Ахир, ўз касбига садоқатли деб Соибназар акадайларни айтсалар, ажаб эмас!

Суратда: Ховос тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси экскаваторчиси Соибназар Омонқулов.
И.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ИТАЛИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Италия парламенти Депутатлар палатаси раиси Пьер Фердинандо Казини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Италия ўртасида парламентлараро алоқаларни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди.

П.Казини шу куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан ҳам учрашди.

Икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар суҳбатнинг асосий мавзуси бўлди. Шунингдек, томонлар Афғонистондаги вазият, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда халқаро террорчиликка ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашни кучайтириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашди.

(ЎзА)

ФЕРМЕРНИНГ ЮТУҒИ

Ромитан туманидаги Теша Тошев номидаги фермер хўжалиги ташкил этилганлигига 15 йил тўлди. Айтиш керакки, у вилоятдаги фермерлик ҳаракатининг қалдирғоч хўжаликларидан бири ҳисобланади.

-Айни пайтда бу ерда уч юз бошдан зиёд қорамоллар парвариш қилинмоқда,-деди фермер хўжалиги раҳбари Т.Тошев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Дастлаб 1989 йилда бозордан ўн беш бош қорамол сотиб олгандим. Улар йилдан йилга кўпайиб, хўжалигимиз ҳам кенгайди. Бугунги кунда жамоамизда 20 киши ишламоқда.

Т.Тошевнинг таъкидлашича, фермерлик ҳаракатининг дастлабки қалдирғочи бўлган хўжаликда кунига бир тонна сут соғиб олинмоқда. Гўшт тайёрлаш ҳажми эса 60 тоннага етди. Ўтган йили хўжалик аъзолари ўн саккиз миллион сўм даромад олишди. Жорий йилда фойда янада кўпайиб, 25 миллион сўмга етказилади.

ЎҚИТУВЧИ МАКТАБ ҚУРДИ

Ғаллаорол туманидаги 47-мактаб ўқитувчиси Бердимурод Авазов ўз маблағи ҳисобидан мактаб қурди. Айни пайтда бошланғич мактабнинг 4 та бошланғич синфларида 59 нафар бола ўқимоқда. 4 та хона қурилиши давом этаяпти.

700 МИНГ СЎМЛИК ЎЙИНЧОҚЛАР

Арнасой туманидаги «Ғунча» болалар боғчаси мудираси Нусрат Исмоилова мана олти йилдирки, фермерлик ҳам қилмоқда. 32 гектар ерга пахта ва ғалла экиб, яхшигина даромад кўраяпти. Ўтган йилги фойда ҳисобидан 700 минг сўмлик боғча болалари учун қаттиқ ва юмшоқ мебеллар, турли жиҳозлар, ўйинчоқлар харид қилинди.

Яна бир муҳим томони, боғча ошхонаси учун керакли барча полиз ва сабзавот маҳсулотлари фермер даласида етиштирилаяпти.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ОДАМЛАР РАҲМАТ ДЕСИН

Катта йўлга чиқиб олган автобус бир текисда ҳаракатланиб олдинга интилади. 50 нафарга яқин йўловчиларнинг ҳаммаси ўз ўринларига ўрнашиб олган. Кимлардир дераза ёнидан ўтаётган манзарани томоша қилиб кетаяпти, яна бошқалари ёнидаги ҳамроҳи билан қизғин суҳбатга киришиб кетган.

Салон соҳиби йўловчиларнинг яхши жойлашиб олганлигини кўздан кечириб чиқида, телевизор орқали видеофильм намойиш эта бошлади. Кўпчиликнинг нигоҳи телеэкранга қадалди.

Олд томонига «Намунали йўналиш» деб ёзилган «Тошкент-Бекобод» йўналиши бўйича қатновчи автобуслар ана шундай жиҳозланган. «Тошвилтранс» ҳудудий уюшмасининг Бекобод автобус-такси саройига қарашли «ДЭУ» русумли автобусни Наби ака Наимов бошқараяпти. Унинг меҳнат фаолияти 1977 йилда бошланди. Юк ташувчи автомобилда маълум тажриба мактабини ўтаганидан кейин, йўловчи ташиш автокорхонасига ишга ўтди. Орадан йиллар ўтди. Техника такомиллашиб, йўллар равонлашиб борди. Юз минглаб километр йўлларни босган Наби аканинг ҳаёт тажрибаси ҳайдовчилик малакаси ҳам ортиб борди. Бу орада у йўловчиларга яхши хизмат кўрсатиши билан одамларга хушмуомалада бўлиши билан танилиб қолди. Ана шундай ишлашга одатланиб қолган Наби Наимовнинг йўловчиларни мулойимлик билан кутиб олиши, кузатиб қолиши кўпчиликда ўзига нисбатан ҳурмат уйғотди.

– Ҳар сафар йўлга чиққанимизда, - дейди моҳир ҳайдовчи, - 30-40 нафар одам ҳаётини бизга ишониб, ўриндиқларда хотиржам кетадилар. Уларнинг ишончларини оқлаш учун аввало техника доимо бенуқсон ишлаб туришига ҳаракат қиламиз. Автокорхонамиз устахонасида малакали муҳандислар ҳам кўп. Ҳамкасбим Дўстбобо билан биргаликда ҳар доим сергакликни йўқотмаймиз. Зарур бўлганда кечаси ҳам устахонада қолиб ишлаймиз. Чунки машинамизнинг ишга тўлиқ шай бўлганига ишонч ҳосил қилишимиз керак.

Наби Наимов билан кўп йиллардан буён сменадош бўлиб ишлаб келаётган Дўстбобо Атоев ҳам қарийб 25 йилдан кўпроқ вақтдан буён йўловчиларни ўз манзилларига вақтида етказиб қўйиб, ҳурмат, эътибор қозониб келаётган ҳайдовчилардан бири ҳисобланади. У ҳам ҳар куни тонг саҳарда ширин уйқуда ётган фарзандларига бир-бир кўз ташлаб, ишга отланади.

1979 йилдан буён йўловчи хизматида бўлиб келаётган Дўстбобо ҳам техниканинг доимо бенуқсон ишлаб туриши учун жонкуярлик қилади. Шунинг учун ҳам бу икки ҳамкасб биргаликда ҳамфикр бўлиб ишлаб келмоқдалар. Айниқса, буюртма билан Самарқанд, Бухоро каби зиёратгоҳ масканлари бўлган шаҳарларга йўл олишганида, улар биргаликда хизматда бўладилар.

Бугунги кунда йўловчилар учун ҳам, ҳайдовчилар учун ҳам кўпгина қулайликларга эга бўлган ушбу йўналишдаги автобусларда телевизорлар, музлатгичлар ишлаб турибди. Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиляпти.

– Телевизорда Юлдуз Усмонованинг концертини томоша қилиб, - деди Тошкентдаги Собир Раҳимов туманида жойлашган касб-ҳунар коллежи талабалари. – Манзилга етиб олганимизни билолмай қолдик. Шу боис ҳайдовчиларга ташаккур билдирамиз.

Ҳа, «Тошкент-Бекобод» йўналишида қатнайдиган автобуслар ҳайдовчилари номига кўплаб ана шу мазмундаги миннатдорчилик сўзларини эшитиш мумкин.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири

ЯНГИ АВЛОД САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Андижондаги 1-туғуруқ мажмуини тўлиқ таъмирлаш ишлари жадал суръатда олиб борилмоқда. Вилоятда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантиришга қаратилган ҳукумат қарорларини бажаришга катта эътибор берилмоқда.

Вилоят шифокорлари юқори синф ўқувчилари, талабалар, бола туғиш ёшидаги аёллар ўртасида тушунтириш, профилактика ва даволаш-ташҳис ишларини олиб бормоқда. «Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлими, репродуктив саломатлик маркази фаолияти ҳам шунга йўналтирилган. Ёш авлод саломатлигини ҳимоя қилувчи ташкилотлар орасида туғуруқ мажмуалари алоҳида ўрин тутади. Улар вилоятда учта.

- Биринчи туғуруқ мажмуида таъмирлаш ишлари ҳашар йўли билан олиб борилмоқда,- дейди вилоят ҳокими ўринбосари А.Содиқов. -Вилоятнинг 33 корхона, ташкилот ва муассасаси вакили бўлган қурилиш бригадалари ва бўлинмалари ишни икки сменада ташкил этган, баъзи пудрат жамоалари тинимсиз ишламоқда. Таъмирлаш ишлари боқ-лангандан кейин икки ой ўтиб, кўзланган ишларнинг 60 фоизи бажарилди. Объектдаги ишларнинг умумий қиймати 400 миллион сўмни ташкил этади.

Тўлиқ таъмирланган туғуруқ мажмуи замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда, қон қуйиш участкаси ва бошқалар ташкил этилмоқда.

МАҲАЛЛАДА МУЧАЛ ТЎЙЛАРИ

Андижондаги "Намуна" маҳалласи фаоллари ташаббуси билан 12 ёшга кирган болаларнинг мучал тўйлари нишонланди. Мустақиллик тенгдошларининг мучал тўйига уларнинг ота-оналари таклиф этилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Анваржон Абдураҳимовнинг таъкидлашича, мучал тўйлари нишонланган болаларнинг ҳар бирига "Ғаллабанк"нинг омонат дафтарчалари топширилди. Тўйга маҳалла ҳудудида жойлашган саккизта корхона ва ташкилот маҳнат жамоалари яқиндан ёрдам беришди. Шунга ўхшаш тадбир шаҳардаги Саъдий маҳалласида ҳам ўтказилди.

(ЎзА) ва "Туркистон-пресс"

ЖАЗОНИ БЕКОР ҚИЛИШ КЕЧИКМОҚДА

Ливияга нисбатан халқаро ҳамжамият томонидан қўлланилиб келаётган иқтисодий жазо ҳамон ўз кучида. БМТ Хавфсизлик кенгашига Буюк Британия томонидан жазони бекор этиш тўғрисидаги резолюция лойиҳаси тақдим этилган эди. Сешанба кунги мажлисда кенгаш резолюция муҳокамасини яна уч кунга кечиктирди.

Дастлаб муҳокама белгиланган вақтдан икки соатга кечиктирилди. Ёпиқ эшиклар ортида мазкур масала юзасидан маслаҳатлашувлар бўлганига қарамай режалаштирилган музокаралар бошланмади. Бунга Франция томонининг жазони бекор қилишга қарши эканлиги сабаб бўлди.

Маълумки, 1988 йилда Шотландиянинг Локерби шаҳри осмонида АҚШнинг «Пан Америкэн» авиакомпаниясига қарашли самолёт портлатилиши оқибатида икки юз етмиш нафар одам ҳалок бўлган эди. Фожеада Ливия махсус хизматининг икки нафар ходими айбдор топилиб, мазкур иш охир-оқибатда Ливияга нисбатан халқаро жазо чоралари қўлланилишига олиб келганди.

1998 йилда Ливия айбдорларни Голландиянинг Гаага шаҳрида иш бошлаган Шотландия судига топширди. Бунга жавобан БМТ Хавфсизлик кенгаши мазкур мамлакатга нисбатан иқтисодий жазо чораларини ҳаракатдан тўхтатди.

Шу йил июлида «Локерби иши» юзасидан вужудга келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Ливия, Буюк Британия ва АҚШ ўртасида ҳужжат имзоланган эди. Келишувга мувофиқ Ливия фожеа учун жавобгарликни ўз зиммасига олишга ва ҳалок бўлганларнинг оилаларига икки миллиард етти юз миллион АҚШ доллари миқдорида товон тўлашга рози бўлган эди.

Бироқ, кўп ўтмай, бошқа муаммо пайдо бўлди. 1989 йилда Нигерия осмонида Франциянинг «ЮТА» авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёти портлатилган эди. Фожеада яна Ливия айбдор деб топилди. Франция ҳам Ливиядан ҳалок бўлган йўловчилар учун товон талаб қила бошлади. Акс холда эса, Франция томони ўзининг вето ҳуқуқидан фойдаланиб, резолюцияни маъқулламаслигини эълон қилди.

Айниқса, ҳалок бўлган француз фуқароларининг қариндошлари Локерби фожеаси қурбонларига бериладиган пул уларга бундан ўн йил илгари тўланган товон миқдоридан юз баробар кўплигини пайқагач, муаммо янада чигаллашиб кетди. Улар ҳукуматдан тезда Ливия билан товон миқдорини кўпайтириш юзасидан музокара бошлашни талаб қила бошлади.

АҚШнинг БМТдаги махсус вакили Жон Негропонте Локерби фожеасида ҳалок бўлганларнинг оилаларига Ливияга нисбатан жазо чораларининг бекор қилиниши кечикаётганлиги боис ҳамдардлик билдирди. Уларнинг бу борадаги ташвишлари асослидир, чунки келишилган пул жазо чоралари бекор қилингандан кейингина тўланади.

АРГЕНТИНА ҚАРЗЛАРНИ ТЎЛАЙ ОЛМАЯПТИ

Аргентинада иқтисодий тушкунлик ҳамон давом этаётир. Мамлакатнинг ташқи қарзлари кўпайиб бормоқда. Ўтган сешанба куни Аргентина Ҳалқаро валюта жамғармасига (ХВЖ) уч миллиард АҚШ долларига тенг навбатдаги қарзини ҳам тўлай олмаслигини маълум қилди.

Буюк Британиянинг Reuters ахборот маҳкамасидан олинган хабарларга қараганда, Аргентина ҳукумати ўзининг мазкур қарорини мамлакат марказий банки захираларидан таваккал қилиб фойдалана олмаслиги билан изоҳламоқда. Шу боис ХВЖ билан келишувга хилоф бўлса-да, ҳукумат ҳозирча қарзларни белгиланган вақтда тўлашни кечиктириб турибди.

Шарҳловчи минбари

Аргентинанинг биргина ХВЖдан олган қарзлари фоизининг ўзи ўн икки ярим миллиард АҚШ долларини ташкил этар экан. Шунингдек, мамлакатнинг бошқа кредиторлар олдида яна тўқсон миллиард долларлик қарзи бор. Аргентина ҳукумати вакиллари мазкур қарзлар масаласида ХВЖ ва бошқа кредиторлар билан келишишга ҳаракат қилишини маълум қилди.

ХВЖ эса Аргентина ҳукуматидан мамлакатнинг иқтисодий инқироз натижасида зарар кўрган банкларига молиявий ёрдам бериш ҳамда коммунал хизмат нархларини оширишни талаб қилган эди. Ҳозирги шароитда бундай усул тўғри келмаслиги боис Нестор Кирхнер маъмурияти мазкур талабни инкор қилди.

Мутахассисларнинг фикрича, вазият шу зайлда давом этса, ХВЖ Аргентинага нисбатан жазо чораларини қўллаши ҳам мумкин. Бироқ бунинг акси ҳам эҳтимолдан холи эмас. Чунки АҚШ ХВЖдан мазкур масалага бирмунча иликроқ ёндашишни сўраган.

Маълумки, Аргентинада иқтисодий инқироз 2001 йилда мамлакат бюджети тақчиллиги оқибатида вужудга келган эди. Бир неча йил илгари эса мазкур давлат иқтисодий тараққиёти жиҳатидан Лотин Америкаси мамлакатлари сафида учинчи ўринни эгаллаб турганди. 2001 йил инқирози Аргентина миллий валютаси қадрсизланиши, банкларнинг ёпилиши, қашшоқлик ва тартибсизликлар кўпайишига олиб келди.

Маълумотларга қараганда, ҳозир ўттиз олти миллиондан зиёд аргентиналик қашшоқликда ҳаёт кечирмоқда. Шу боис янги сайланган президент Нестор Кирхнер маъмурияти мамлакатнинг молиявий воситаларини, энг аввало, ижтимоий ҳимояга йўналтираётир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, президент Н.Кирхнернинг ҳокимият тепасига келиши билан иқтисодиётдаги ўсишнинг пасайиши тўхтаган ва мамлакатда вазият бирмунча барқарорлашган.

Reuters ахборот маҳкамаси берган маълумотларга кўра, навбатдаги уч миллиард долларлик қарзни тўлай олмаслик Аргентинани Либерия, Судан ва Зимбабве каби қолоқ мамлакатлар билан бир қаторга тушириб қўйиши мумкин. Мазкур муаммо юзасидан ҳозир ХВЖ раҳбариятининг якуний фикри кутилаётир.

(ЎзА)

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

МАБЛАҒ МЕҲНАТ ОРҚАЛИ ТОПИЛАДИ

ва ўша жойда рағбат ўз мазмун-моҳиятига эга бўлади

Зарур юмуш билан ошиғич чиқиб бораётган Бахтиёр Холлиев кўча эшик рўясида тўхтади.

- Тунов кунги масала билан келаётгандим.

Набирасини етаклаб олган аёлнинг мурожаати қасаба уюшма раисини хушёр торттирди.

- Хавотир олманг. Ўғлингизнинг ўқиши учун пулни ўз вақтида ўтказиб берамиз. - Сўнг қўшимча қилди. - Бир сиз эмас, яна олти хонадондан ариза тушган. Жами 2 миллион сўм ўтказишимиз керак.

- Раҳмат, барака топинглар.

- Раҳматни бизга эмас, ўзингизга, қолаверса, биримизни икки қилиш учун тиришиб-тирмашиб астойдил ишлаётган хўжалик аъзоларига айтинг. Бу пулларни ишлаб топган ҳам ўшалар. Ўзингиз қўшган улуш ҳам ҳеч кимникидан кам эмас.

Касабақўм раҳбарининг сўзларини эшитиб, тўпланишиб турган қариялар дуога қўл очишди...

«Беш қаҳрамон» ширкат хўжалиги нафақат Қумқўрғон туманида, балки Сурхондарё вилоятида ҳам ўзига хос мавқега эга. Иқтисодий жиҳатдан бақувват, маданий-маърифий масалаларда ҳам барчага намуна. Режаларни бажариш бу ердагилар учун одатий ҳол - дўппини осмонга отиб ортиқча мақтов ҳам кутишмайди. Баландпарвоз сўзларга кўпда учишмайди ҳам.

Жўғрофий жойлашуви ҳам ғайри оддий - бир қисми туман марказида бўлса, ҳудудининг бир чеккаси чўлга қараб кириб кетади. Шу боис қувлашмачоққа ўхшаш ҳолатлар бўлиб туради. Туман маркази янгиянги объектлар билан тобора кўркамлашиб боргани сайин, хўжалик ҳудуди кичрайгандек туюлса-да, орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай ўзлаштирилган ерлар ҳисобига яна бутун бўй-басти билан намоён бўладиган шунга монанд бошқа бир хўжаликни яқин-атрофдан топиш амримаҳол.

Йил сайин янги иш ўринлари барпо этилишининг сири ҳам аслида шундан. Кейинги беш йилда салкам беш юз гектар ер чўл бағридан юлиб олинганлиги натижасида даромад манбаи ортса-ортмоқдаки, асло камаймаётир.

Хўжаликнинг иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлари билан танишган киши бунга ишонч ҳосил қилади. 2001 йилда давлатга қарийб 3310 тонна пахта топширилган бўлса, ўтган йили хирмон 3600 тоннага қадар юксалди. Бу йилги режа - 3800 тонна.

- Ҳосил чўғи миришкорларимиз ўз сўзларининг устидан чиқишини кўрсатиб турибди, - дейди хўжалик раиси, кекса деҳқон Файзи Маматмуродов. - Даромад ҳам шунга яраша бўлади. Бу эса ижтимоий масалалар бундан буён ҳам ўз ечимини топишда давом этади, деганидир.

Шундоқ ҳам ушбу соҳага катта маблағ сарфланмоқда. Ўтган йили 2,5 километр йўл қурилган эди, бу йил ҳам йўлсозларнинг шашти баланд. Кейинги олти йил ичида 20 километр газ қувури тортилган бўлса, ичимлик суви билан таъминлаш тобора яхшиланиб бормоқда. Ўтган йили кам таъминланган оилаларга 1 миллион 870 минг сўм сарфланган эди. Бу йилги рақам 2 миллион 105 минг сўмни ташкил қилмоқда. Бунга турли муносабатлар билан 816 минг сўмлик маҳсулот тортиқ қилинганини қўшсак, шунингдек, одамлар санаторий-профилакторийларга имтиёзли тарзда юборилаётганни, тез-тез туристик саёҳатлар уюштириб турилганини ёдга олсак, хўжалик аъзоларига ҳавас қилиш мумкин.

Ҳа, бозор иқтисодиёти кимнинг кимлигини намоён қилиб, тўлқин юзасига чиқариб қўйди. Ҳудудида қарийб қирқ минг киши яшайдиган «Беш қаҳрамон» учун бўҳронли кунлар ортда қолиб, гуллаб-яшнаш дамлари бошланди. Кейинги олти йилда бешта мактаб қурилди ва бугун уларнинг сони ўн учтага етди. Бешта врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Мавжуд ўн битта маҳалланинг ҳар томонлама обод бўлиши учун енг шимариб олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. «Энг яхши маҳалла» деган танлов ғолибини эса 100 минг сўм мукофот кутмоқда.

...Эллик нафар бола оромгоҳларда бепул дам олдирилди.

...Етмиш нафар фахрий ярим харажати тўланиб Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига зиёратга юборилди.

...Ўн икки болага суннат тўйи қилиб берилди.

...Мактаб стадионларига чим ётқизилди.

...Барча мактабларда «Беш қаҳрамон» ширкат хўжалиги номидан стипендия жорий этилди.

...Қариялардан 25 кишига 100 килограммдан буғдой тарқатилди.

...Хўжалик ҳудудидаги 5 та болалар боғчаси сут ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланмоқда.

Саноқда узоқ давом этиш мумкин. У томондан айланиб келганда ҳам, бу томондан назар ташлаганда ҳам ҳаммаси бориб яна ва яна иқтисодиётга бориб тақалади. Маблағ эса меҳнат орқали топилади, ҳисоб-китоб тўғри йўлга қўйилган жойдагина, тўғрилик ҳукм сурган, адолатли тақсимот тадбиқ этилгандагина рағбат деган тушунча ўз мазмун-моҳиятига эга бўлади.

Қайта-қайта иқтисод ва молиялаштириш теграсида чарх ураётганимиз бежизга эмас. Ҳисобини билмаган дастмоясидан айрилади, деган гапни бизгача ота-боболаримиз айтиб кетишган. Гап фақат унга амал қилишда, ҳар қандай мураккаб шароитда оқилона йўл тутишда.

Бошқа жойларда бўлгани каби «Беш қаҳрамон»да ҳам хусусийлаштириш бошланганда, айрим оғзига кучи етмаганлар илғор хўжаликнинг, «томоша»сини кўришга ошиққан эдилар. Чиндан ҳам томоша кўрсатилди. Лекин сал бошқача - даврига мос ва фақат бешқаҳрамонликларга хос томоша кўрсатилди. Бир вақтлар хўжалик маблағи ҳисобидан қурилган учта ғишт заводи хусусийлаштирилгач, янада гуркираб ривож топди. Бугун бу ерда қарийб 40 миллион дона ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Сифати тубдан яхшиланди. Консерва заводи эса 50 минг шартли банка маҳсулотни ўз мижозларига етказиб бермоқда.

Ҳудудда мавжуд биофабриканинг овозаси барча туманларга етиб борган. Ушбу маҳсулотнинг ўзидан 2 миллион сўм соф фойда олинмоқда.

Хўжалик ҳудудида жами 18 та кичик корхона фаолият кўрсатмоқда. Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганларидек мулкдорлар синфига ҳаваслaниб боқувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Цех очаман, завод қураман, маиший хизмат уйига эгалик қиламан, дея саъй-ҳаракатга тушиб қолганлар анчагина. Бу эса ўз навбатида турмуш фаровонлигини оширмоқда.

Кимнинг уйига бош суқманг, қоп-қоп донга кўзингиз тушади. Сабаби оддий. Бу йил, хўжалик аъзоларининг эътирофича, ғалла йили бўлди. 4500 тонна қиймат-баҳо маҳсулот йиғиштириб олинди. Шундан 2612 тоннаси давлатга сотилди. Қолган қисми элга тарқатилди. Абдусалом Хафизов, Азамат Убайдуллаев, Абдулазиз Аблаев, Тўра Аврайқулов, Баҳодир Соатмўминов каби пудратчиларнинг ҳар бири ўн тоннадан ўттиз тоннагача етказиб шахсий хирмонга эга бўлишди.

Бугун пахтазор оққушлар қўнимгоҳини эслатади. Оққуш эса, маълумки, эзгулик элчиси, яхшилик аломати.

- Кўз тегмасин, ғалла каби пахта ҳам бўлиб берди, - дейди меҳнат фахрийси Омонтурди бобо. - Худо ҳавойи жаҳонни бериб турса, тез кунларда йиғиб-териб олсак, қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой деяверинг.

Оппоқ далаларга боқиб бир фикр келади: пахтаси каби оқ кўнгил бобо деҳқон шукронаси эшитилиб турган жойдан ҳеч қачон қут-барака, меҳр-оқибат кўтарилмайди.

Зайниддин РИХСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Тадбир

ДАВРА СУҲБАТИ

Жамиятимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш, ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда иш берувчи ва касаба уюшмалари ўртасида ижтимоий шерикчилик тамойиллари қандай амалга оширилмоқда? Жамоа шартномалари, тармоқ келишувларининг бажарилиши устидан назорат қай аҳволда?

Касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбати ислоҳотларнинг барча йўналишлари ва халқ турмуш шароитини яхшилашда касаба уюшма тузилмаларининг вазифаларига бағишланди. Касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Э.Ражабов иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар жараёнида касаба уюшма ташкилотларининг фаолияти ва тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати Марказий қўмитасининг вилоят вакили С.Ҳамроев «Тармоқлардаги корхона ва ташкилотларда ишловчи ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнатини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлари тўғрисида», вилоят «Маҳалла» жамғармасининг раиси И.Шаропов Обод маҳалла йилида «Маҳалла» жамғармаларининг касаба уюшма ташкилотлари билан ҳамкорликдаги фаолияти», таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси тармоқ қўмитаси раиси Ш.Кубаев «Болаларни соғломлаштириш жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш самарадорлигини ошириш» мавзуларида чиқиш қилдилар.

Косон тумани «Гувалак» деҳқон-фермер хўжаликлари касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Ортиқов, вилоят болалар кутубхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси З.Абдуллаева, соғлиқни сақлаш бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Шеровлар жойларда амалга оширилаётган ишлар, ибратли тажрибалар ҳақида гапириб бердилар.

Давра суҳбати касаба уюшма ходимларининг фаоллиги ва ишчанлиги вазиятида ўтди.

И.ИСОМИДДИНОВ

ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Қизилтепа туманидаги «Темурмалик» ҳиссадорлик жамияти ҳам бугунги кунда Навоий вилоятидаги энг илғор корхоналардан бири сифатида тилга олинмоқда. Корхона аҳли шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида кўплаб қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Конимех туманининг олис чўл бағрида Балакорак овулида қад ростлаган коллеж биноси ана шу қўлигул қурувчилар меҳнати самараси бўлди. Айни кунларда Қизилтепа туманининг Реватан қишлоғида иқтисодиёт коллежи қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. 600 ўқувчига мўлжалланган бу коллежда бир миллиард сўмлик иш бажарилиб, апрелда бошланган қурилиш ишлари ноябр ойида ниҳоясига етказилади.

Корхонада ишловчиларнинг ишлаши ва дам олиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Шу жумладан, уларга иш маҳали бепул иссиқ овқат ташкил этилмоқда, йўл харажатлари корхона ҳисобидан қопланмоқда. Ўртача иш ҳақи 40 минг сўмни ташкил этаётир. Иш суръати ва сифатининг яхшиланиши янги иш ўринлари яратиш имконини туғдирмоқда.

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Ўзбекистон Бадиий академиясида Миср Араб Республикаси мусаввирларининг кўргазмаси очилди.

МИСР МУСАВВИРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

-Санъат ва маданият халқларни бир-бири билан боғлайди, -деди Мисрлик мусаввир Муҳаммад ал Тарави "Туркистон-пресс" мухбирига.- Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги дўстлик алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бораётир. Айниқса, санъат ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш лозим. Мазкур кўргазмада шаҳримиздаги етакчи тўққизта мусаввирнинг графика, ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилмоқда. Ўзим кўргазмада экологияга бағишланган акварелда ишланган 4 та экспонатим билан қатнашмоқдаман.

М.Таравининг таъкидлашича, мусаввирлар Савсан Амир, Мустафо Абдулфаттоҳ, Форис Ахмад Форис, Рубоб Нимр, Иброҳим Абдусалом, Адел ал Масриларнинг ишлари санъат ихлосмандларида қизиқиш уйғотади. Мусаввирларнинг асарларидаги асосий ғоя қадимги ва ҳозирги Мисрнинг бир-бири билан уйғунлашишидир. Мусаввирларнинг хаёлот дунёси билан воқеликнинг боғланиши асарларга ўзгача мазмун касб этади.

Айтиш жоизки, Муҳаммал ал Таравининг асарлари Саудия Арабистонида, Италия, Франция ,Греция каби давлатларда намойиш этилган. У ҳар йили 20 дан ортиқ ёшларга мусаввирлик санъати сирларини ўргатмоқда. Унинг тўққиз ёшли қизи Нурхон ва ўн тўрт ёшли ўғли Басиллар ҳам отасидан мусаввирлик сирларини ўрганишмоқда.

"Туркистон-пресс"

ОЗОДАЛИККА ЭЪТИБОР - ЮРТГА ЭЪТИБОР

Тошкент кун сайин чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда. Ҳар куни минглаб меҳмонларни кутиб оладиган шаҳримиз озодалигини саклаш муҳим аҳамиятга эга, албатта.

Чиқиндиларни ўз вақтида тўплаб, шаҳардан олиб чиқиб кетиш ҳамда уларнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини камайтириш мақсадида «Тошкент шаҳар санитар тозалаш тизимни такомиллаштириш» инвестицион лойиҳаси амалга оширилмоқда. 1999 йилда бошланган лойиҳа Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ажратган кредит ҳисобидан молиялаштирилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 56,3 миллион АҚШ долларига тенг. Режага мувофиқ бу борадаги ишлар 2005 йил охиригача амалга оширилади.

Шу пайтга қадар йигирма миллион АҚШ долларилик иш бажарилди. Пойтахтнинг барча туманларидаги аҳоли пунктларида 385 қўриқланадиган, 650 қўриқланмайдиган чиқиндихона қурилди, етти минг беш юз дона темир қути сотиб олинди. Бундан ташқари, 159 та чиқинди ташувчи машина уч йилга етадиган эҳтиёт қисмлари билан сотиб олинди.

«Махсустранс» ишлабчиқариш бошқармаси тасарруфидаги ўн битта автокорхона, марказий бутлаш устахонаси зарур станоклар, стендлар ва бошқа ускуналар билан таъминланди. Бульдозерлар, экскаваторлар чиқиндиларни бостириш учун катоклар, ўзи тўкар автомашиналар келтирилди.

Лойиҳани амалга ошириш гуруҳининг раҳбари Ғофур Рустамовнинг айтишича, чиқинди ташувчи машиналардан унумли фойдаланиш мақсадида шаҳарда ҳар бирининг қуввати икки юз минг тоннага тенг тўртта чиқиндини қайта юклаш шохобчаси қуриш режалаштирилган.

Ўтган йили Ҳамза туманида ана шундай шохобча қуриб фойдаланишга топширилди. Қолган учтасида қурилиш ишлари давом этмоқда. Агар мазкур шохобчалар тўлиқ фойдаланишга топширилса, чиқинди ташувчи машиналарнинг иш унумдорлиги ошиши билан бирга бир йилда битта шохобчага сарфланадиган маблағ 153 миллион сўмга камаяди.

(ЎзА)





ОҲАНГАРОН ШПАЛЛАРИ

Оҳангарон туманидаги «Эйвалекмахсустемирбетон» акциядорлик жамияти жамоаси мавжуд қувватлардан тўла фойдаланиш эвазига бу йил асосий маҳсулот - темир-бетон шпаллари ишлаб чиқаришни бир ярим баравар кўпайтирди. Бундай маҳсулотнинг эса деярли ҳаммаси «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси буюртмаси бўйича Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган Буюк Ипак йўлидаги темир йўл қурилишига етказиб берилмоқда.

Корхона Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, айниқса, Буюк Ипак йўлидаги темир йўлларни таъмирлаш ва кенгайтириш жараёни тезлашгани боис унинг маҳсулотларига талаб анча ортди. Илгарилари темир излар ётқизишда ёғоч шпаллардан фойдаланилар эди. Ҳозир ҳам уларни Россиядан донасини 15-16 АҚШ долларидан сотиб олиш мумкин. Бироқ уларнинг яроқлилик муддати атиги ўн йил. Оҳангарон шпаллари эса камида эллик йил «туриб беради». Боз устига арзон.

- Шунданми, маҳсулотларимизга талабгорлар жуда кўп. Туркманистон, Покистон, Афғонистон, Хитойдан буюртмачилар бор. Россиянинг ўзидан ҳам харидор чиқди. Биз эса, энг аввало, юртимиз ички эҳтиёжини қондириш, мамлакатимиздан ўтадиган Буюк Ипак йўлидаги пўлат изларни жадаллик билан таъмирлаётган ва кенгайтираётган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси буюртмаларини бажаришга ҳаракат қиляпмиз,- дейди корхона раҳбари Абдуғаффор Маннопов.

Корхона 300 киллметрлик Тошкент-Самарқанд катта темир йўл магистралининг таъмирланиши муносабати билан Осиё тараққиёт банки ўтказган халқаро тендерда ютиб чиққан эди. Айни вақтда шартномадаги 690 минг шпалнинг сўнгги партиялари жўнатилмоқда. Жаҳон андозаларига тўла жавоб берадиган бундай маҳсулот, шунингдек, Навоий-Учқудуқ-Мискин-Султон Увайстоғ янги темир йўли қурилишига ҳам етказиб берилмоқда.

Тан олиш керак, бундан ўттиз йил муқаддам ишга тушган корхонанинг асбоб-ускуналари, технологияси эскириб қолган. Шу боисдан ҳам айни пайтда ишлаб чиқариш жараёнини замонавийлаштириш, қувватларини ошириш тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Бу борада «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг кўмаги катта бўляпти. Кейинги икки йилда 660 миллион сўмлик янги асбоб-ускуна ўрнатилди. Тошкентдаги «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган бундай асбоб-ускуналар, дастгоҳлар ҳисобига айни пайтда мавжуд тўртта шпал ишлаб чиқариш линияси янгиланмоқда. Бу эса маҳсулот сифати ва ҳажмини янада ошириш имконини бермоқда.

Корхонада мулк шакли ўзгармасидан бурун йилига атиги юз минг дона шпал тайёрланар эди. Бир километр масофадаги пўлат изни янгилаш учун 1 минг 850 дона шпал кераклигини ҳисобга олсак, мамлакат темир йўллари бутунлай қайтадан реконструкция қилинаётган бир пайтда бу урвоқ ҳам бўлмаслиги аниқ. Корхона очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилгач, шпал ишлаб чиқариш бирданига уч ярим баравар ошди. Мамлакатимиз эҳтиёжи учун йилига 350 минг дона сифатли шпал етказиб берилди. Бироқ корхона жамоаси бу ерда анчадан буён бўш турган темирбетон қувури ишлаб чиқариш заводи фаолиятини ҳам қайта йўлга қўйди. Кум-шағал ишлаб чиқариш, истеъмол моллари тайёрлаш, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми ҳам бир неча баравар ошди.

Бугун корхонанинг барқарор ишлашига сармоя қўшган акциядорлар ҳам мамнун. Зеро, йил якунига кўра уларга 25 миллион сўм девидент тўланди. Низом жамғармаси 160 миллион сўмни ташкил этадиган акциядорлик жамиятининг акция пакети «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси ҳамда Буюк Британиянинг «Melistone Trading LTD» ва «Interface Investmens LTD» каби машҳур фирма ва компаниялари томонидан ҳам сотиб олинган.

Мустақиллик байрами арафасида корхонада шпал ишлаб чиқарувчи бешинчи линия қуриб фойдаланишга топширилди. Бундай линияларнинг замонавий асосда таъмирланиши ва кўпайтирилиши эса темир-бетон ишлаб чиқариш ҳажмини йилига 600 минг донага етказиш, яна қўшимча 250 янги иш ўрни яратиш имконини беради. Дарвоқе, корхона акциядорлик жамиятига айлантирилганидан сўнг қисқа вақт мобайнида бу ерда ишловчилар сони минг нафардан ошиб кетди.

Тадбиркорлик давр талаби

Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбирлари
Сарвар ЎРМОНОВ
(ЎзА) олган суратлар

Гиёҳвандлик — иллат

ЎЗБЕКИСТОН БОЖХОНАЧИЛАРИ 125 КИЛОГРАММ ГЕРОИННИ ҚЎЛГА ОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси матбуот марказидан хабар қилишларича, Тошкент вилоятининг Ойбек божхона масканида Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари билан ҳамкорликда «Икарус» русумли автобусда олиб кетилаётган 125 килограмм героин қўлга олинди. Ҳар бир ўрам ва халта устига «Усама бен Лодиндан» деб ёзиб қўйилган ушбу «оқ ажал»нинг бозор нархи қарийб 9 миллион АҚШ долларига тенг.

Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилоятидан Россия Федерацияси томон йўлга чиққан «Икарус» автобуси юртимиз ҳудудига кираверишда текшириб кўрилганида, бир қарашда ҳаммаси жойидагидек туюлган эди. Йўловчи ташиш учун йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар бекаму-кўст бўлса-да, ҳайдовчининг саросимага тушаётгани божхоначилар диққатини тортди.

Бунинг сабабини Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология марказида махсус ўргатилган хизмат итлари топиб берди. Улар ёрдамида орқа ўриндиқ тагида қўшимча ёқилғи баки ўрнатилгани аён бўлди. Шундан сўнг, махсус ускуналар билан текшириб кўрилганда ушбу бак ичидан яна бир хуфёна бак чиқди. Ер чизиб қолган Қирғизистон фуқароси бўлмиш ҳайдовчи эса «бу юк меники эмас, манзилга етказиш учунгина пул ваъда қилишувди», дейишдан ўзга баҳона тополмади.

Энг кучли психотроп моддалардан ҳисобланадиган героиннинг асл эгалари кимлигини аниқлаш борасидаги суриштирув ишлари бошлаб юборилди.

(ЎзА)

Қонун барчага баробар

Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес ривожига кенг йўл очиш мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосини ташкил этади. Зеро, кишилар ўртасида тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг авж олиши юрт равнақи ва эл фаровонлигини белгиловчи муҳим омил ҳисобланади. Бунинг учун давлатимиз томонидан тегишли қонунлар доирасида фаолият олиб бориш кафолатланган. Афсуски, баъзи ҳолларда қонун талабларини четлаб ўтаётган сохта тадбиркорлар фаолиятига ҳам дуч келинмоқда.

НОҚОНУНИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР

олди олинди

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган назорат тартибидаги текширувларимиз жараёнида бир қанча қонунбузарлик ҳолатлари аниқланди. Ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича олиб борилган тадбирларда юридик ва жисмоний шахслардан жаъми 20.077.900 сўмлик ноқонуний товар моддий бойликлари далилий ашё сифатида олинди.

Тўйтепа шаҳар деҳқон бозорида хусусий тадбиркор А.Турғунбоев чет элда ишлаб чиқарилган сифат сертификатисиз, Ўзбекистон Республикаси божхонасида расмийлаштирилмаган 928000 сўм миқдоридаги товар савдоси билан шуғулланиб турган пайтда қўлга туширилган. Қонунбузарга нисбатан жиноий иш қўзғатилган.

Туман ҳудудидаги Қорасув ДАН масканида эса фуқаролар С.Рисқуловадан 1.118.300 сўмлик, О.Савенковадан 1.142.200 сўмлик, Р.Халиловдан 10.784.000 сўмлик юртимизга ноқонуний олиб кирилган това -моддий бойликлари олиб қўйилди. Улар ҳам қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришмоқда.

Бундан ташқари, бўлим томонидан жорий йилнинг шу ойигача солиққа оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш бўйича олиб борилган текширувлар натижасида бюджетга 38.812.000 сўмлик қўшимча солиқ ўзлаштирилди. Шунингдек, қонунга зид хатти-ҳаракатлар содир этган шахслардан 17.077.100 сўмлик молиявий жарималар ундирилди.

Лутфулла БАДАЛОВ,
Тошкент вилояти прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси Ўрта Чирчиқ туман бўлими бошлиғи



Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси «Бозорларни назорат қилиш ва қисқа муддатли текширувлар ўтказиш» шўъбаси ходимлари шаҳар «Саноат моллари» бозорида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркорлар билан доимий мулоқотда бўлиб туради.

Суратда: шўъба бошлиғи Баҳодир Исомиддинов тадбиркорлар билан суҳбатлашмоқда.

Ғулом ХИДИРОВ олган сурат

Касаба уюшма фаоллари ҳақида ҳикоялар

Денов туманидаги Бобур номли ширкат хўжалигида Парда Раҳимовни кўпчилик ҳурмат қилади. Бу таррук инсон касабакўм раиси сифатида фаолият кўрсатаётганига ҳам йигирма йил бўлди. Ҳамон ёшлардек ғайратли ва шижоатли. Халқ дардини ўзиники деб билади. Шу боисми ҳеч нарсага лоқайд эмас.

ЭЛ ҲУРМАТИНИ ҚОЗОНГАН РАИС

Унинг асли касби зироатшунос. Ҳар тонг бир дала айланмаса кўнгли жойига тушмайди.

– Парда ака хўжалигимизнинг устуни, – дейди ширкат хўжалиги раиси Бозор Йўлдошев. – Муаммо йўқки, у кишининг иштирокисиз ҳал бўлмаса. Кўпни кўрган, эл хизматидан чарчамайдиган устоздан мен ҳам кўп нарса ўрганяпман.

Хўжалик ҳозирги кунда 1063 гектар майдонда деҳқончилик қилади, 486 нафар пайчи ўз зиммасидаги вазифани яхши билади. Самара ҳам шунга яраша. Бу йил ғалладан юқори ҳосил олинди. Ўртача ҳосилдорлик 55 центнерни ташкил этди. Бу ютуқларда 70 нафар оилавий пудратчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

– Ишчиларимиз ёмон эмас. Насиб қилса пахтадан юқори ҳосил оламиз, – дейди Парда ака. – Деҳқонларнинг ерга бўлган меҳри ўзгача. Биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Имкон даражасида уларга шароит яратиб бермоқдамиз. Даланинг ўзида иссиқ овқат ташкил этилган. Яхши ишловчиларни касаба уюшма маблағи ҳисобидан рағбатлантириб боряпмиз.

Дарҳақиқат, хўжаликда касаба уюшмасининг ўрни бор. Ижтимоий ҳимояга, спорт ва маданият соҳасига ҳам эътибор ўзгача. Касаба уюшма қўмитасининг ёрдами туфайли, ўнлаб деҳқон ва меҳнат фахрийлари турли сиҳатгоҳларда соғлигини тиклашмоқда. Хусусан, бу йил меҳнат фахрийлари Боборажаб Муқимов, Одил Ўлуғов, Мамаражаб Нормуродов, Маҳмуд Алиев ва Бойтўра Қодировлар пойтахтдаги «Ботаника» санаторийсига имтиёзли йўлланмалар билан дам олиб, соғликларини тиклашди. Ундан ташқари, 60 нафар пудратчилар автобусда воҳа бўйлаб қадимий зиёратгоҳларни саёҳат қилиб қайтишди.

Хўжаликда 5 та маҳалла мавжуд. Уларда яшовчи меҳнаткашлар манфаатини ўйлаган ҳолда, маиший хизмат пунктлари ва савдо дўконлари йилдан-йилга кўпаймоқда. Спортни ривожлантириш, ёшларни жисмоний соғломлаштиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Юрчи маҳалласида бокс тўгараги ташкил этилган. Унда 40 нафар болалар бокс билан мунтазам шуғулланмоқда. Маҳалладаги ўйингоҳ ҳам ҳамиша ёшлар билан гавжум.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири.

Фармон ва ижро

Беруний туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан тасдиқланган иш режасига кўра тумандаги 146 та корхонада бюджетга мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши юзасидан текширув ўтказилди.

МАНСАБДОР ШАХСЛАР ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

Унинг натижасида давлат фойдасига 1 миллион 342 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланди. Корхона ҳисоб-китобларини тўғри юритмаганлиги, яъни солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланмаганлиги учун 105 та корхонага 2 миллион 913 минг 400 сўм миқдорида молиявий, мансабдор шахсларга 1 миллион 146 минг юз сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилди.

Шунингдек, ўтказилган текширувлар давомида Президентнинг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларига риоя қилмаслик ҳолатлари аниқланди.

Беруний умумий овқатланиш, Темур Кичик корхоналари, «Оқ йўл» ҳиссадорлик жамияти, Жайҳун, Абай номли ижара хўжаликлари, Каратаунефтебаз ташкилоти шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бирига нисбатан тегишли тартибда жазо қўлланилди. Бундан ташқари, корхона ва ташкилотлар томонидан бюджетга ўз вақтида тўланмаган қарзларни ундириб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сонли қарорига кўра тасдиқланган «Солиқ ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан 19 нафар юридик шахснинг катта миқдордаги қарзи бўйича хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Суд қарорига биноан шу кунгача 7 нафар юридик шахснинг мол-мулки ҳисобидан 6 миллион 391 минг сўм бюджетга ундирилди.

Анвар ХЎЖАЕВ

ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТИ ХОРИЖГА

Тўрақўрғон туманининг "Соҳилобод" ширкат хўжалиги узумчиликка ихтисослашган бўлиб, 634 гектар майдонда мусалласбоп узум навлари парваришланади.

Ҳозир авжи пишиқчилик даври. Сохибкорлар узумга харидор излашмайди. Чунки хўжаликни ўзида 2 та йиғув пункти ва махсулотни шу ерни ўзида қайта ишлаш-мусаллас қадоқлаш цехи бор. Бу ерда 64 нафар киши меҳнат қилади.

-Биз ойига 150 минг дона "O`zbekiston Portveyni" ишлаб чиқармоқдамиз, - деди ширкат хўжалиги раиси Омонулла Исматуллаев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Россиянинг Барнаул шаҳридаги "LDK-Impeks" фирмаси билан 100 минг долларлик маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома тузганмиз. Шу кунгача махсулотнинг 80 фоизи Россияга жўнатилди. Хўжалик ҳисоб рақамига валюта тушди.

ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Тошкентда 2-шаҳар перинатал маркази очилди.

Тўққизинчи туғруқхона негизида мазкур марказнинг ташкил этилиши мутахассислар ва беморлар учун айни муддао бўлди. Мазкур муассаса республика Акушерлик ва гинекология институтининг филиали сифатида иш бошлади. Бу эса марказда хизмат қилаётган ходимларнинг илмий изланишлари, чуқур таҳлил ва муолажалар олиб боришлари учун катта имконият яратади.

Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармонида республикада клиник марказлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат дастурида ҳам ихтисослаштирилган илмий марказларнинг вазифалари ва тизимдаги аҳамияти алоҳида белгилаб қўйилган. Зеро, ҳар бир инсон ўз давомчисининг соғлом ва бақувват бўлишини истайди. Баркамол фарзандларнинг дунёга келиши ҳамда парвариш қилинишида мазкур марказлар муҳим ўрин тутади.

"Туркистон-пресс"

Кўрик-танлов

Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасида ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иктисодий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан бирга маданий-маънавий юксалтиришга оид тадбирларни ташкил этиш ҳам анъанага айланган. Ана шундай тадбирлардан бири бу сафар Навоий вилоятида бўлиб ўтди. Кўрик-танлов «Фарзанд камоли – Ватан жамоли» деб номланди.

«ФАРЗАНД КАМОЛИ – ВАТАН ЖАМОЛИ»

– Мазкур кўрикнинг асосий мақсад ва вазифалари соҳада меҳнат қилаётган аёллар ва уларнинг фарзандлари маънавияти ва дунёқарашларини ўстириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, бой тарихий меросимиз, ҳур диёримиз ҳақидаги билимларини ошириш, адабиёт ва санъатга бўлган қизиқишларини кучайтиришдир, – деди Марказий қўмита раиси Алишер Ғуломов. – Танлов қоидаларига келсак, биринчи босқич корхона ва ташкилотларда, иккинчи босқич вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган. Сараланган энг зукко ва билимдонлар якуний босқичда беллашдилар. Уларнинг барчаси жуда яхши натижаларни қўлга киритдилар. Кўшалоқ байрамга айланган бу кун бир умр ходимларимиз ёдида сақланиб қолишига шубҳа йўқ. Зеро-баркамол авлодларни ҳар томонлама билимдон ва соғлом оналар дунёга келтиради. Келажагимиз эгалари бўлмиш болажонлар эса Ватанимизнинг ишонган тоғларидир.

Кўрикда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳридан Она ва болалар иштирок этдилар. Улар 3 турдан иборат босқичда билим ва савияларини синаб кўрдилар.

Биринчи тур – интеллектуал билимдонлик шарти бўйича оналар ва болалар тест синовидан ўтдилар. Бу шартда фарғоналик она Гулчеҳра Раупова ҳамда ўғли Соҳиб, қашқадарёлик она Зулфия Жумаева ва қизи Нилуфар пухта билимга эга эканликларини намойиш этдилар.

Иккинчи тур эса «Она ва бола – гул билан лола» шиори остида ўтказилди. Унда она ва боланинг қизиқишлари, феъл-атворлари қай даражада эканликлари имтиҳон қилинди. Шунингдек, оналар мантиқий саволга ҳам жавоб излашларига тўғри келди. Бу сафарги энг тезкор ва тўғри жавоб муаллифлари Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри, Фарғона, Наманган, Андижон, Самарқанд ҳамда Қашқадарё вилоятлари вакиллари эдилар.



Охирги шарт – «Уй вазифаси»га навбат келди. Ушбу эркин мавзуда ҳар ким ўз қобилиятидан келиб чиқиб йўналиш танлагани билиниб турди. Аксарият она ва болалар эзгулик ҳамда адолатга ундовчи, разиллик ва адоватни фош этувчи воқеалар, шунингдек, оилавий ҳаёт воқеалари акс этган саҳна кўринишларини, санъат намуналарини намойиш этдилар. Ишчилар томонидан ҳақиқий актёрлардек ижро этилган монологлар, куй, қўшиқ ва рақс, бадиий ўқиш савияси томошабинларда ҳис-ҳаяжон уйғотиб, давомли олқишларга сазовор бўлди. Айниқса, Жиззах вилояти вакиласи Дилбар Боқиева қизи Мафтуна билан ўқиган «Туғилмаган бола ноласи» монологи, андижонлик она томонидан саҳналаштирилган миллий Кўрик-танловнинг энг юқори поғонасидан қашқадарёлик она Зулфия Жумаева ҳамда унинг қизи Нилуфар жой олди. Ғолибларга тармоқ касаба уюшма марказий қўмитаси томонидан таъсис этилган телевизор тақдим этилди. Иккинчи ўринни 99 балл тўплаган Фарғона вилояти вакили Дилчеҳра Раупова ва ўғли Соҳиб забт этди. Уларга тикув машинаси ҳадя этилди. Учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлган самарқандлик соҳа ходими Маҳбуба Шодиқулова ҳамда ўғли Яшнарга эса видеомагнитафон совғаси топширилди.

Қолган иштирокчилар ҳам қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, КУФК матбуот котиби

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари қонун билан кафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX боби иктисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга бағишланган. Унда ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари кафолатланган. Жумладан, 37-моддага мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Шу билан бирга суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланиши белгилаб қўйилган. Шу билан бир қаторда Конституциявий қоиданинг талабларига мувофиқ равишда 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси қабул қилинган.

ҲАР ИНСОН ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ишга жойлаштириш билан боғлиқ муносабатлар Меҳнат Кодексининг V боби, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенциялари ва бир қатор бошқа норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида мазкур қонунлардан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб келаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади.

Турли шаҳар ва туманларда истиқомат қилаётган кишилар билан олиб борилган суҳбатлар ва жойлардан мурожаат этилаётган саволлар шундан далолат берадики, кўпчилик кишилар иш билан таъминланиш ва меҳнат ҳуқуқларининг қонуний кафолатларини яхши билмайдилар. Бу ўринда шуни айтиш жоизки, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунда фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари муфассал баён этиб берилган. Унга кўра қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, давлат:

— иш билан таъминлаш турини, шу жумладан, турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини;

— ишга қабул қилинишни қонунга хилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишини;

— мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни;

— ҳар кимга касб ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида меҳнатга ҳақ тўлаш, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни;

— янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни;

— бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий ҳужжатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни;

— ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини кафолатлайди.

Қонунда унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишни бажаришга алоқаси бўлмаган фаолият билан шуғулланиш фуқароларнинг мутлақ ҳуқуқи этиб белгиланган.

Меҳнат Кодекси нормаларига асосан ишга жойлашиш жараёнида, иш фаолиятида ва меҳнат муносабатларининг тугатилишида барча фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи кафолатлари кенгайтириб белгиланди. У Меҳнат Кодекси талаблари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни шартнома орқали тўғри йўлга қўйди. Фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ва уларнинг тенглиги таъминланган ҳолда уларнинг ҳуқуқлари камситилишига, меҳнат муносабатларининг ўзаро келишилган ҳолда мустаҳкамланиши ҳамда иш ва машғулотларни эркин ҳолда танлаш ҳуқуқига эга эканликлари мустаҳкамланди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, аввалги 1978 йилда қабул қилинган Конституцияда меҳнат қилишга мажбурий тарзда жалб этилар эди. Ҳозирги амалдаги Конституцияга мувофиқ мажбурий тарзда жалб этиш тақиқланади. Конституцияда мустаҳкамланган мажбурий меҳнатнинг тақиқланиши, «Меҳнат Кодекси», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунларда бу ўз ифодасини топган. Ҳар бир фуқаро меҳнатга ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ёндошиши, иш ва машғулотлар турларини эркин танлаш ҳуқуқи, иш берувчиларга мурожаат қилиш ҳамда аҳолини иш билан таъминловчи бандлик хизматидан фойдаланиши ушбу Қонунларда мустаҳкамланган.

Меҳнат Кодексининг 7-моддасида таъкидланишича, қуйидаги ишлар яъни:

— ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида;

— фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда;

— суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан;

— қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930-йилдаги 29-сонли «Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида»ги ва 1957 йилдаги 105-сонли «Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида»ги Конвенцияларида қуйидагилар таъкидлаб ўтилган: (29-сонли конвенция) яъни ушбу Конвенция қатнашчиси бўлган давлат ўз зиммасига ҳар қандай шаклдаги зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатнинг қўлланишини бартараф этиш юзасидан мажбуриятлар олади. Конвенциянинг мақсадлари учун «Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат» атамаси бирор бир шахсдан, башарти у ўз хизматини ихтиёрий равишда таклиф этмаган бўлса, бирор бир жазолашни таҳдид қилиб талаб этиладиган ҳар қандай иш ёки хизматни англатади. Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида қабул қилинган ҳар қандай қарор учун мазкур худуднинг олий фуқаролик ҳокимияти жавобгардир. Ушбу Конвенциянинг қоидаларига мувофиқ фақат 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган эркак жинсидаги қатта ёшли, меҳнатга қобилиятли шахсларгина зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатга жалб этилиши мумкин. Шахс турли шаклдаги зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнатга жалб этилиши мумкин бўлган энг кўп давр йилига 60 кундан ортмаслиги лозим.

Адолатли меҳнат шароитларига эга бўлиш ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг асосини ташкил этади. Меҳнат шароитлари дейилганда иш жараёнининг турли ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари тушунилади. У амалдаги қонунчилик ва бошқа меъёрий актлар, шунинг билан бирга маъмурият билан касаба уюшмалари томонидан қабул қилинадиган жамоа шартномалари, келишувлари асосида ўрнатилади.

Собиқ иттифоқда амалда бўлган Меҳнат Кодекси меҳнат муносабатларининг маъмурий буйруқбозлик тизими ва давлат мулк монополиясига асосланган бўлиб, барча масалалар марказлаштирилган ҳолда ҳал қилишга интилиб келинган. Иш берувчи ва ходимлар томонидан меҳнатни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги имкониятлар чекланган эди.

Ҳозирги амалдаги Меҳнат Кодекси эса меҳнат муносабатлари субъектларининг эркинликларини кенгайтиради, уларнинг меҳнатини тартибга солиш ишларини енгиллаштиради ва унга оид ҳуқуқларини қонуний жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига биноан, фуқароларнинг ишга жойлашиш ҳуқуқи таъминланади. Унга кўра, ҳар ким иш берувчига бевосита мурожаат қилиш ёки меҳнат органининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга. Иш қидираётган ва меҳнат органларига мурожаат қилган фуқаролар иш турини, иш жойини ва меҳнат режимини эркин танлаш мақсадида касбга доир бепул маслаҳатлар ҳамда тегишли ахборот оладилар. Маслаҳатларга муҳтож бўлган фуқаролар, уларнинг яшаш жойлари қаерда бўлишидан қатъи назар, исталган меҳнат бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Уларни рўйхатга олишда ёши ва бошқа жиҳатлари бўйича чеклашларга йўл қўйилмайди. Айни вақтда фуқаролар маҳаллий меҳнат органларининг йўлланмалари асосида касбга тайёрлаш, қайта тайёргарликдан ўтиш, малакасини ошириш ҳуқуқига ҳам эгадир. Мазкур Қонунда илк бор Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ташқарисидаги ҳамда чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасида меҳнат соҳасида фаолият кўрсатиш тартиби жорий қилинди. Унда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари республика ҳудудидан ташқарида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, мустақил иш қидириш ва ишга жойлашиш ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ташқарисидаги ҳамда чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолияти тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низом мазкур соҳадаги меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ана шундай қонуний ҳужжатлардан биридир.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 апрелдаги 162-сонли қарори билан тасдиқланган «Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисида»ги Низом (мазкур агентлик) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги касб бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Қуйидагилар агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг чет элдаги ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидаги касб бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

- меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини чет элда ва хорижий фуқароларни Ўзбекистон Республикасида ишга жойлаштириш учун квоталар ажратиш ва рухсатномалар бериш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, уларнинг чет элда касб бўйича фаолиятига оид ҳуқуқини ишга жойлаштириш, номзодлар билан дастлабки мослашув тадбирларини ўтказиш йўли билан рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

- хорижий ишчи кучларини ёлловчи чет эл фирмалари (корхоналар, муассасалар, компаниялар) билан ҳамкорликни ривожлантириш;

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириши учун идоралараро комиссия тавсияномаларига мувофиқ рухсатномалар бериш;

Фуқароларнинг иш билан таъминланишига оид ҳуқуқларидан яна бири уларнинг маҳаллий меҳнат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш ҳуқуқидир. Бундай ҳуқуқ фуқаролар томонидан меҳнат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан (масалан, фуқарони иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олиш ёки ишсиз, деб эътироф этиш рад этилганда, фуқаро ишсизлик нафақаси миқдоридан норози бўлганда ва ҳ.к) касаба уюшма қўмитасига, юқори турувчи органга ёки мансабдор шахсга ёхуд бевосита судга шикоят қилиш орқали амалга оширилади. Улар мазкур масала бўйича исталган вақтда шикоят қилишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир фуқаро адолатли меҳнат шароитларига эга бўлиши, ҳар бир киши учун унинг қаерда ва қандай иш билан машғул бўлишидан қатъий назар меҳнат қонуни билан кафолатланган бўлиши, яъни меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори, иш вақти доимийлигининг аниқ чегараси, меҳнат муносабатларида камситиш ҳолларига йўл қўймаслик, меҳнат қонун орқали ҳимояга олинган. Бу эса мамлакатимизда инсонпарварлик тамойилининг устувор йўналишларидан бири эканлигини кўрсатади.

Ф.САМИҒЖОНОВ, Тошкент Давлат Юридик институти «Маъмурий ва Молиявий» ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

КУРАШ МУСОБАҚАСИДАН

тушган пул кам таъминланган оилаларга тақсимлаб берилди

Мустақиллик ижтимоий соҳаларни, шунингдек, халкимизга ўз маданияти ва анъаналарини, дини ва эътикодини, она тили ҳамда маданиятини қайта тиклаш учун имконият яратди.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси тизимидаги ташкилотларда ҳам бу борада кўпгина ютуқларга эришилмоқда. Хусусан, «Жисмоний тарбия, соғломлаштириш ишларини ривожлантиришнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган комплекс дастури»ни бажарилишини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Турли саналар муносабати билан мунтазам равишда мусобақалар ўтказилмоқда. Айниқса, «Отам, онам ва мен» шиори остида спорт мусобақаси барчага манзур бўлмоқда. Республика қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадасига қизиқиш катта. Бундан ташқари энг азиз ва энг улуғ Мустақиллик байрамида барча туман ва бошланғич касаба уюшма ташкилотларида кураш, футбол, волейбол, шоҳмот-шашка ҳамда стол тенниси бўйича спорт мусобақалари ўтказилди. Биргина Наманган вилоятининг ўзида спорт тадбирлари учун 5 миллион 700 минг сўм маблағ сарфланганлиги бу масала нечоғлик эътиборда эканлигини кўрсатади.

Қашқадарё вилоятида ҳам ҳар йили меҳнаткашларнинг саломатлик спартакиадалари, хотин-қизлар ўртасида туман ва вилоят босқичи мусобақалари, бундан ташқари хўжаликлар ўртасида футбол бўйича «Олтин бошоқ», «Оқ олтин» вилоят кубоги мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Айни пайтда вилоятдаги хўжалик ҳамда ташкилотларда 201 та футбол, 220 волейбол, 51 қўл тўпи, 57 та баскетбол майдонлари ва 8 та спорт зали меҳнаткашларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Ҳозирги кунда вилоятда 223 та жисмоний тарбия жамоалари бўлиб, улар ўз атрофига 26 минг 947 нафар кишини бирлаштирган. Шунинг 4087 нафари хотин-қизларни ташкил этади.

Бухоро вилоят Қорақўл туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида «Ёшларни соғломлаштириш маркази» фаолият кўрсатмоқда. Унда тармоқ меҳнаткашларининг 400 га яқин фарзандлари спортнинг кураш, шоҳмот-шашка ва бошқа турлари билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Мазкур ширкат хўжалиги ўйингоҳида «Қорақўл – миллий кураш ватани» деб номланган очиқ турдаги катта кураш мусобақаси ўтказилди. Ундан тушган маблағ 54 та кам таъминланган оилаларга тақсимлаб берилди. Шунингдек, жорий йилда Жондор туманида марказида «Полвон» спорт мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу — 125 нафар қишлоқ ёшларининг спортнинг кураш тури билан шуғулланишлари учун имконият яратди.

Вилоятда «Обод маҳалла йили» муносабати билан кўпгина бошланғич ташкилотлар ташаббус кўрсатиб, қишлоқ ҳамда маҳаллалар ўртасида спорт мусобақалари ўтказмоқда. Масалан, шу йилнинг март ойида Вобкент туманида тармоқ меҳнаткашлари ўртасида шоҳмот-шашка бўйича биринчилик ўтказилди. Ромитан туманида эса «Маҳалла чемпиони» номини олиш учун марказий ўйингоҳда футбол мусобақалари кўпчиликда яхши таассурот қолдирди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

У «ЗАРЯ»ДА ЎЙНАГАН ЭДИ

Хотира турнири

Ғузорлик Эшмурод Чоршанбиев Қашқадарё футболини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган инсонлардан бири. Моҳир спортчи «Заря», «Қаршистрой», «Хонобод», «Ҳисор» ва Ғузор» жамоаларида кўп йиллар тўп суриб, ўзининг кучли зарбаси ва чиройли ўйинлари билан мухлислар ҳурматига сазовор бўлган. Бешафқат ўлим уни орамиздан олиб кетди. Эшмурод аканинг қутлуғ ишларини шогирдлари давом эттирмоқдалар.

«Шўртаннефтгаз» унитар шуъба корхонаси ташаббуси билан Ғузор тумани марказий ўйингоҳида футбол бўйича Эшмурод Чоршанбиев хотирасига бағишлаб фахрийлар ўртасида турнир ўтказилди. Унда Тошкентнинг «Пахтакор», Самарқанднинг «Фортуна», Ғузорнинг «Шўртан» ва «Оқ олтин» жамоалари куч синашдилар.

Мухлислар ўзбек футболининг ифтихорлари ҳисобланган Мустафо Билолов, Марат Кабаев, Фарҳод Магамедов, Мурод Алиев, Геннадий Денисов, Шоди Номозов каби чарм тўп усталарининг чиройли ўйинларидан баҳраманд бўлишди.

Финал баҳсида ғузорлик фахрийларнинг қўли баланд келди. Мусобақа сўнгида вилоят ҳокими, Нуриддин Зайниев энг маҳоратли футболчилар, мураббийлар ва Эшмурод Чоршанбиевнинг оила аъзоларига эсдалик совғалари топширди.

ЁЛҚИН

ТЕРМА ЖАМОА ПАРИЖДАН ҚАЙТДИ...

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари журналистлар билан учрашди. Унда шу йилнинг 23-31 август кунлари Франция пойтахти Парижда ўтказилган енгил атлетика бўйича IX жаҳон чемпионатида ҳамюртларимизнинг иштироки натижалари ҳақида гап борди.

Дунёнинг 110 давлатидан спортчи иштирок этган мазкур нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини саккиз спортчи ҳимоя қилди. Таъкидланганидек, мусобақада спортчиларимиз совринли ўринларни эгаллай олмади.

Ангренлик Виталий Смирнов ўн кураш баҳсларида йигирма нафар спортчи орасида 10-ўринни эгаллаб, олимпиада йўлланмасини қўлга киритди. Тошкентлик Л.Перепелова 100 метрга югуриш баҳсида 16-ўринга лойиқ топилди. Яна бир спортчимиз Гўзал Хуббиева эса шу спорт тури бўйича 28-ўриндан жой олди.

С.Войнов найза улоқтириш ва К.Журавлева узунликка сакраш баҳсларида финалга ета олмади. В.Медведовнинг (ярим марафон) ҳам рақибларига муносиб қаршилик кўрсатишга қурби етмади.

Ушбу маълумотларнинг ўзи спортчиларимизнинг чемпионатга етарлича тайёргарлик кўрмаганидан далолат.

Анжуманда мавжуд муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, спортчилар учун қулай шарт-шароит яратиш, уларни танлаш ва тарбиялаш ишларини такомиллаштиришга янада жиддийроқ эътибор бериш лозимлиги таъкидланди.

(ЎзА)

СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА



ДИЛАФРУЗ

мамлакат очиқ биринчилигининг икки карра чемпиони

Гиламга ушоккина, алоҳида белгилари билан кўзга унча ташланмайдиган қиз кўтарилди. Томошабинлар орасида ҳатто «анави муштумдеккина қизчага нима бор экан, рақибнинг каттиқроқ зарбасидан ногирон бўлиб қолмасин эди ишқилиб», деган гапни айтганлар ҳам топилди. Негаки, унга карши гиламга чиккан шеригининг гавдаси полвонсифат бўлиб кишининг беихтиёр рахмини келтирарди.

Ҳакамнинг курашни бошлашга чақирувчи ҳуштаги янгради. Меҳмоннинг келишига эмас, кетишига боқ, деганларидек, кураш натижаси мутлақо ўзгача якунланди. Илк дақиқаларданоқ полвонсифат қиз кетма-кет ва тинимсиз берилган зарбалар «ёмғири» остида қолди. Сал ўтмай иккала қўллари билан бошини маҳкам тўсганича гиламга йиқилди.

– Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни, деганлари шу-да, – деди жилмайиб ёнгинамда ўтирган ва пича аввал икки курашчи қиз гавдалари бир-бировларига мос эмаслигидан хавотир тортган отахон.

Ушбу спорт баҳсини бошқариб бораётган ҳакам қўл жангги бўйича Ўзбекистон чемпиони Дилафруз Жалилова қўшни вилоятдан келган дугонаси устидан ғолиб чиққанлигини эълон қилганида бутун ўйингоҳ бўйлаб гулдурос қарсак янгради.

Дилафруз спортнинг мураккаб турини нега танлаганлигини сўраганларга жисмоний чиниқишга қаттиқ бел боғлаганлигини, бу йўлда қандай қийинчиликлар бўлса, уларни енгишга тайёрлигини айтди. Наманган шаҳридаги шу соҳа бўйича мураббий Ҳасанбой Болтабоев қизни дастлабки кўрганидаёқ унинг кўзларидаги ёлқин ва қатъиятни пайқаган, саволларга қайтарилган аниқ ва кескин жавобларни эшитиб қаршисидаги қиз оддий қизлардан эмаслигига, ундан чинакамига курашчи чиқишига имон келтирган ва ҳақиқат шундай ҳам бўлиб чиқди.

Дилафрузнинг маҳорати машғулотдан-машғулотга ортиб борди. Орадан ярим йил ўтмасидан клубдош тенгдошлари ўртасида унга тенг келадиган рақиб чиқмай қолди. Энди қўшни клублар, туманлар ва шаҳарларда тенгдош дугоналари билан гиламга туша бошлади. Роппа-роса бир йилда шаҳар, ўн учинчи ойда вилоят чемпиони бўлди.

Шу йилнинг апрел ойи Дилафруз ҳаётида ўчмас из қолдирди. У вилоятда ўтказилган қўл жангги бўйича мамлакат очиқ чемпионатида 55 килограмм вазнли қизлар ўртасида мутлоқ ғолиб, деб топилди ва Ўзбекистон чемпиони деган юксак ва шарафли номни қўлга киритди. Кейин Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрида ниҳоясига етган республика очиқ чемпионатида ҳам унга тенг келадиган рақиб топилмади. Д.Жалилова саралаш учрашувида Навоий вилоятидан Шаҳноза Улуғовани муддатидан олдин мағлуб этди. Ярим финалда тожикистонлик Нигора Қозоқовани карахт ҳолатига туширди. Нигора беллашувни давом эттира олмади. Финал ҳам жуда қизиқарли ўтди. Наманган шаҳрида бўлган мусобақада бекободлик Марғуба Йўлдошева гиламга чиқди. Аммо Дилафрузнинг ўзига хос шиддатли ҳужумига дош бера олмади ва муддатидан илгари енгилганлигини тан олди. Дилафруз Жалолова мамлакат очиқ чемпионатининг икки карра чемпионига айланди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

ҚИШЛОҚДА ТАЭКВОНДОЧИЛАР КЛУБИ

Олтинкўл туманидаги Аълам қишлоғида тренер Ғанижон Аҳадов ташаббуси билан ёш таэквондочилар клуби очилди.

Таэквандочилар клубида 70 нафар ёшлар, асосан мактабларнинг юқори синф ўқувчилари шуғулланишмоқда, - деди Ғ. Аҳадов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Улар орасида қизлар ҳам бор.

Тренернинг қайд этишича, спортнинг ҳар қандай тури, жумладан, таэквондо билан мунтазам шуғулланиш ёш авлодда масъулият ҳиссини уйғотади. Бу ўз навбатида уларнинг жисмоний чиниқишига ёрдам беради. Спортчиларда бекорчи вақт бўлмайди. Улар мусобақаларда ва беллашувларда қатнашиш учун доимо ўз маҳоратларини ошириш билан банд бўлишади.

"НАФИС" САВОБГА ҚЎЛ УРДИ

Самарқанддаги "Нафис" ҳиссадорлик жамиятида 1300 нафардан ортиқ киши меҳнат қилади. Корхона ишчиларига меҳнат қилишлари билан бирга спорт билан шуғулланишлари учун ҳам етарли шарт-шароитлар яратилмоқда. Шу боис ҳам корхона мини-футбол жамоаси ўтган мавсумда Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритди.

Айни пайтда корхона ҳудудида "ТИП-3" лойиҳаси асосида барпо этилаётган спорт мажмуаси қурилишининг биринчи босқичи якунланди. Минг томошабинга мўлжалланган футбол майдони, волейбол, баскетбол, тренажёр майдончаларида корхона ишчилари ҳамда "Ҳазора", "Дамариқ-2" маҳаллалари ёшлари спорт билан шуғулланишади. Мажмуа қурилишига ҳозиргача 25 миллион сўм маблағ сарфланди. Корхона ҳудудидаги маҳаллалар фуқаролари ҳам ҳашарда иштирок этишмоқда.

"Туркистон-пресс"

Пойтахтдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "Ўзбекистонда алпинизмнинг истиқболлари" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманнинг хомийси "Sof qadoqlangan mahsulotlar" компанияси ҳисобланади.

ТОҒЛАР ДОВЮРАКЛИККА ЧОРЛАЙДИ

- Спортнинг тоғ алпинизми тури инсондан жасурлик ва довюракликни талаб қилади, - деди Ўзбекистон алпинистлари раҳбари ва катта мураббийси Анатолий Шабанов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Спортнинг мазкур тури ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида пайдо бўлган. Ўтган давр ичида алпинизмга бўлган қизиқиш йил сайин ортиб борди. Таъкидлаш жоизки, ўзбекистонлик алпинистлар дунёнинг энг баланд чўққиси Эверестни бўйсундиришди. Бу қувонарли воқеа. Чунки дунёдаги ҳар бир алпинист бу чўққига чиқиш орзусида яшайди. Айниқса, алпинистлар ичида ягона аёл - Светлана Баскакованинг борлиги ҳаммани ҳайратга солди.

А.Шабановнинг таъкидлашича, республикамизда 400 га яқин ёшлар ҳозирги кунда мазкур спорт тури билан шуғулланишмоқда. Самарқанд, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида алпинизм мактаблари мавжуд. Ёшларнинг алпинизм билан қизиқиши ортиб бораётгани кишини қувонтирса, уларга етарли шароитлар яратиб беришда қийинчиликларга дуч келинаётгани афсуслантиради. Машқларни ўтказишда алпинизм анжомлари етишмаслиги ёки уларни таъмирлаш учун маблағлар йўқлигига дуч келасан, Мазкур спорт тури ривожланиб, Ватанимиз байроғи дунёнинг баланд чўққилари узра ҳилпирашини истаймиз. Зеро, жасурлик ва мардлик бизга авлодлардан меросдир.

ОХИРГИ ШАНБА – СПАРТАКИАДА КУНИ

Абдулла Қодирий номли Жиззах давлат педагогика институти ҳудуди бугун ҳақиқий талабалар шаҳарчаси тусини олган. Футбол майдони, енгил атлетика, бассейн, баскетбол, волейбол, қўл тўпи ва бошқа майдончалардан иборат спорт мажмуаси янги ўқув йили арафасида қуриб, ишга туширилди.

– Малумки, сўнгги йилларда жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилмоқда, – дейди институтнинг сиртқи бўлим методисти Тошпўлат Абдуллаев. – Мактаблар учун жисмоний тарбия ўқитувчилари тайёрлаб беришга алоҳида аҳамият беряпмиз. Гуруҳлар сонини кўпайтирдик. Талабаларнинг амалий машғулотларни бевосита спорт майдонларида ўтказиш мақсадида мана шу мажмуа қурилди. Мустақилликнинг 12 йиллиги муносабати билан рамзий маънода спортнинг 12 тури бўйича майдончалар барпо этилди. Эндиликда талабаларимиз жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун барча имкониятлар яратилди. Ҳар ойнинг охирги шанбаси спартакиада куни деб эълон қилинди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч мухбири

«ҲУМО»НИНГ ЮКСАК ПАРВОЗИ

Маҳалла болалари ўртасида республика кубоги учун «Футболимиз келажаги» шиори остида ўтказилаётган анъанавий мусобақанинг финал босқичи «Бухоро» стадионида бўлиб ўтди. Унда ўн уч жамоа иштирокида кечган ҳудудий баҳсларнинг ғолиблари - Бухоро, Андижон, Жиззах ва Сурхондарё вилояти жамоалари ўзаро куч синашди.

Турнир Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги «Қора-Бура» маҳалла фуқаролар йиғини ва Андижон шаҳридаги «Маорифчи» маҳалла фуқаролар йиғини командалари учрашуви билан бошланди. Муросасиз кечган ўйин «Маорифчи» ғалабаси билан якунланди - 5:2.

Бухоро туманидаги Нарзулла Ашуров фуқаролар йиғининг «Хумо» ва Жиззах шаҳрининг «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини жамоалари ўртасидаги баҳс 4:0 ҳисобида бухороликлар фойдасига ҳал бўлди.

«Қора-Бура» (Сурхондарё) ва «Олмазор» (Жиззах) учрашувида 3:1 ҳисоби қайд этилди ва сурхондарёлик болалар учинчи ўрин -бронза медали соҳиби бўлди.

«Хумо» (Бухоро) ва «Маорифчи» (Андижон) учрашувида майдон эгалари рақибларини 3:0 ҳисобида мағлуб этди. Кўчма кубок ва олтин медал Бухорода қолди.

(ЎзА)

Юлдузли онлар

ЎЗБЕК ТАДБИРКОРИНИНГ САХОВАТИ

у «Чельси»ни сотиб олган Роман Абрамовичдан нимаси билан фарқланади?

Футбол ҳақида гап кетса, унга «миллионлар ўйини» иборасини кўшиб ишлатишни яхши кўрамиз. Асли, инглизлар томонидан 18 асрда кашф этилган бу ўйин бугунга келиб жуда оммавийлашиб, ҳақиқатан ҳам бутун дунёни қамраб олди.

Шу билан бирга футбол – катта даромад манбаига айланиб бормоқда. Бу ишда Оврўпо томонлардаги футбол жамоаларига қойил қолиш керак. Айниқса, Мадриднинг «Реал» жамоаси ўз таркибига «юлдуз» футболчиларни жалб этиб, уларга миллионлаб пулларни сарф этмоқда. Бироқ «Реал» менежерлари ҳам кимга пул сарф этишни яхши билишади. Сўнгги йилларда жамоа сафини Луиш Фигу (56 миллион дол.), Зайниддин Зидан (63 миллион дол.), Роналдо (45 миллион), каби дунё футбол юлдузлари тўлдиришди. Уларга сарф этилган маблағлар тезлик билан (икки ҳисса кўп бўлиб) қайтиб, клуб ғазнасини янада бойитмоқда. Яқиндагина жамоага келиб қўшилган Дэвид Бекхэм номи ёзилган футболкалар сотишдан ҳозирнинг ўзида 3 миллион евро миқдорида фойда кўрилган. Бу ҳали хамир учидан патир. Олдинда Чемпионлар лигаси, премьеро баҳслари, трансляциялардан тушадиган фойдаларни ҳисобласак, жамоа нима учун футбол «юлдуз»ларини сотиб олаётганлигини тушунгандек бўламиз.

Дэвид Бекхэмни сотиб олиш «Реал» учун шунчалар заруратмиди? Ахир жамоа таркибида Дэвид тўп сўрадиган чизикда, ундан-да яхшироқ ўйнай оладиган Фигу ва Зиданлар бор-ку. Қолаверса, Гути, Роберто Карлослар ҳам «анойи»лардан эмас. Демак, шунча маблағ эвазига Бекхэмни сафига қўшиб олиш «Қироллик» клуби учун манфаатдорликдан бошқа нарса эмас. Ишонмасангиз кузатиб боринг, агар футбол оламида яна бирор юлдуз (Шевченко каби) порлаб қолса, яқин келажакда уни ҳам «Реал» таркибида кўришингиз шубҳасиз...

Яқинда дунё матбуотида россиялик тадбиркор ва Чукотка вилояти губернатори Роман Абрамовичнинг Лондоннинг «Чельси» жамоасини катта маблағ (450 миллион дол.) эвазига сотиб олганлиги тўғрисида хабарлар тарқалди. Россиянинг ўзида бу тадбиркорнинг қилган ишидан кўпчиликнинг жиғибийрони чиқди. Ҳатто, ўша инглизларнинг ўзлари ҳам унга унчалик ишонқирамай, Абрамович кимлигини суриштиришга тушди. Бироқ нима бўлганда ҳам у клубнинг янги эгасига айланди. Хўш, нима учун Р.Абрамович «Чельси»ни сотиб олди?

Футболни севгани учунми? Ёки инглизлар чиройли футбол ўйнагани учунми?

Гап шундаки, «Чельси» нафақат футбол клуби, балки катта меҳмонхоналару, супермаркетлар, кафе-барларга эга бўлган жамоадир. Россиялик тадбиркорни балким шу томонлари ҳам ўзига жалб этгандир. Тўғри, ҳар бир тадбиркор ўз маблағини нимага сарф этишни ўзи ҳал этади. Бироқ Р.Абрамовичда ўз юрти футболини севиш ёки юқори кўтариш каби хислатлардан кўра манфаатдорлик устун эканлигини кўриш мумкин. Агар у Россия футболи учун ўз маблағларини сарф этганида ҳеч ким унга эътироз билдирмаган бўлур эди. Шунингдек, бирор Россия жамоасини Европа даражасига кўтарган бўларди. «Чельси»ни қўлга олганидан буён футболчилар сотиб олиш учун 44 миллион доллар сарф этган тадбиркордан буни кутса бўларди...

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида Раҳимжон Умиров деган ўзбек тадбиркори бор. Бир неча кўрик-танловлар ғолиби «Акмал» хусусий фирмаси раҳбари 1998 йил туман марказидаги ўйингоҳни таъмирдан чиқариб, бу ерда янги футбол жамоасини тузди. «Акмал» номини олган бу жамоада фақат маҳаллий ёшлар тўп суради. Жамоа эришаётган ютуқлар ҳам мақтовга арзийди. Ўтган йили жамоа 1-лигага бериладиган йўлланма учун ўтиш баҳсларида имкониятни бой берди, халос. Бу йил футболчилар эзгу мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда.

– Биринчи лигада тўп суриш учун бизда барча имкониятлар етарли. Футболчилар ёш, ғайратли, маҳорат бобида ҳам анча тажрибага эгадирлар. Иқтисод масаласига келсак, мен бунга тайёрман, - дейди тадбиркор.

Дарҳақиқат, жамоанинг моддий аҳволи чакки эмас. Футболчилар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда фаолият юритади. Маошлар, мукофот пуллари ўз вақтида бериб борилади. Ўйингоҳдан ташқари сауна, душхона, дам олиш хоналари, меҳмонхона барчаси замон талаблари даражасида.

Хуллас, жамоадаги шароитларга 2-лига у ёқда турсин, ҳатто 1-лига жамоалари вакиллари ҳавас қилса арзийди. Жамоанинг ёш футболчилари Дилмурод Бикулов, Баҳодир Ҳолбоев, Шоҳруҳ Умиров, Андрей Снетков ва жамоа мураббийи Альберт Аҳмадалиевлар тадбиркор ишончини оқлашга ҳаракат қилмоқдалар. Қирқ ёшни қаршилаётган, техника фанлари доктори Раҳимжон Умиров ҳам ўз манфаатини ўйлаб иш кўрса бўларди. Аммо бунга унинг виждони йўл қўймайди. Сабаби ўзи ҳам футболни жуда яхши кўради. Ёшлигида турли жамоаларда тўп сурган. Ҳозир ҳам туман фахрийлари сафида ўйнайди.

Ўзбек тадбиркорининг қилган ишини кўриб хаёлимиздан бир фикр ўтди: –қанийди юртимизда шу кишига ўхшаган саховатли инсонлар, футболимиз жонкуярлари бундан-да кўпайса. Ўшанда биз ҳам жаҳон майдонларида Бекхэм каби тўп сурадиган қора кўз ўзбек йигитларини кўриб завқлансак... Қанийди.

– Бу кунлар албатта келади. Фақат ниятни холис қилмоқ, ишга меҳр билан ёндошмоқ зарур, - дейди фикримизни маъқуллаб Р.Умиров.

Аслида сизни таништирмоқчи бўлганимиз ҳам шу тадбиркорнинг қилган саховатли ишлари эди. Илоҳо, юртимизда ўз манфаатидан кўра, юртига, элига, маҳалласига муҳаббати кучли бўлган инсонлар кўпаяверсин!

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят қўмитаси жамоаси вилоят қўмитаси ижтимоий суғурта йўриқчиси Гулором Аллековага онаси **ОЙША ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир ўринбосари Ғулом ЮСУПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Мирғиёс Қаюмов (Бош муҳаррир), Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.10

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 9274 Буюртма Г— 717. 12345